



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев киска муддатли меҳнат таътилидан кайти.



Президент Шавкат Мирзиёев 29 апрель куни III Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарлик бўйича тақдимот билан таниши.



Президент Шавкат Мирзиёев 29 апрель куни геология ва кон-металлургия соҳаларидағи вазифалар муҳокамаси юзасидан иғтилиш ўтказди.



Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида Ўрта Осиё ультраповуш хирурглар ассоциацияси (Central Asian Surgeons Ultrasound Society - CASUS 2024)нинг биринчи конгресси ўтказилди.



Президент ҳузуридаги Ижтимоий хизмат Миллӣ агентлиги ташабуси билан Тошкентда «Она уйи» ижтимоий маркази очилади. Бу борада Қозогистоннинг «Ана Уйи» жамоат фонди билан ўзаро ҳамкорлик түркисидаги Меморандум имзоланди.



Uzbekistan Airports Тошкент аэропорти учун TLD Europe (Франция) компаниясидан тўртта янги TMX-150-15 аэрордом баксириларини харид килди. Айни пайтда, пойтахт аэропортида ушбу турдаги техникияларининг умумий сони тўткоз донага етди.

Аэрордом баксири - бу ҳаво кемаларини шатакка олиб юриш учун мўжжалланган ихтисослаштирилган юк машинаси. Хусусан, самолётлар мазкур транспорт воситаси ёрдамида учиш-кўниш йўлагига, туриш жойига, терминалга ёки техник хизмат кўрсантиш учун ангарга олиб борилади.



ёхуд

777 x 0 =?



Бир хабар ўқидим. Бу хабарга кўра юртдошларимиз бир хафта, диккат килинг, бир хафта ичидаги (!) ўз автомобилларига чиройли ракамлар олиш учун 17 миллиард 843 миллион 900 минг сўм сарфлаган. Бу маблағнинг 95 фози жисмоний шахсларга тўғри келади. 17 миллиард 843 миллион 900 минг сўм!!! Шу хафтада энг киммат авторакамнинг баҳоси 206 миллион сўм бўлди.

Мен бу хабарнинг ёлғон хабар бўлишини жуда истадим. Унчалик тилим келмаса-да «фейк» бўйсина дедим. Унчалик ёқтириласам-да, шу дақиқаларда «фейк» сўзини кўшиш кетармиди? Мен Эшқобил Шукур деган бир одам 333 ракамли машинада юрдим нима-ю, 359 раками машинада юрдим нима? Нима ўзга-

ларим! Шунча пулни мактаб учун деса сарфлармидингиз? Шунча пулни китоб учун деса сарфлармидингиз? Миллат маърифати учун шунча пул берармидингиз? Кандайdir касалликдан азоб чекиб ётган болалар учун бир хафтада шунчага пул йигармидингиз?

Нечук ҳашаматга мунчалар учмиз? Тўйлардаги истроғарчилик устига энди ракамвазлик кўшилди. Соҳта обру нимага керак? Навбати келган ракамни олиб кетаверсан кадримиз тушшиб кетармиди? Мен Эшқобил Шукур деган бир одам 333 ракамли машинада юрдим нима-ю, 359 раками машинада юрдим нима? Нима ўзга-

ради? Мен 333 ракамли машинада бошқа одамга айланни көлармидим?

Менинг автомобилимдаги ракам 777 бўлгани билан, ўзим 0 бўлсан, нима фойда? 777ни 0 га кўйайтирганиз баробар 0, барibir 0.

Аввало, ўзимиз олтин раками бўлайлик, маърифатимиз олтин ракамли бўлсин.

Эшқобил ШУКУР,
ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

САЛОМ, ПАРИЖ!

Ўзбек футболи тарихида илк бор ОЛИМПИАДА ЙЎЛЛАНМАСИ ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ



Ва ниҳоят, ўзбекистонлик футбол мұхлислири орзиқиб кутган кун келди. Ахир биз бу кунни 30 ийлдан ошик кутдик.

2024 йил 29 апрель!

Бу сана ўзбек футболи тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган бўлди. Яъни айнан шу куни «Париж - 2024» Олимпиадасига йўлланма кўлга киритилди.

Мальумки, шу кунларда бутун дунё аҳали футбол бўйича U-23 жамоалар ўртасида Қатарда бўллиб ўтётган Осиё кубогини диккат билан кузатмоқда. Мусобакада кучли учлилардан жой олган жамоалар ёзда, аниқроғи, 26 июлдан 11 авгуустга қадар Парижда бўллиб ўтадиган ёзги Олимпиадада иштирок этиш хукуқига эга бўларди.

Гурӯҳ босқичида ўзбекистон U-23

Малайзияни 2:0, Кувайтни 5:0 ва Вьетнами 3:0 хисобида ютиб, юз фоизли натижага билан чорак финалга йўлланмани кўлга киритганди. Ёш футболчиларимиз навбатдаги босқичда Саудия Арабистони терма жамоасини 2:0 хисобида мағлубиятга учратиб, яrim финалда Индонезияга қарши майдонга чиқадиган бўлишганди. Агар бу ўйинда зафар кучсақ, финалга чиқиб, камиди чемпион ёки иккинчи ўрин соҳиби сифатида Париж олимпиадасига йўлланманни нақд килардик. Ва амалда шундай бўлди хам!

Шу ўйнда фахрланиб айтишга арги-гулиқ бир гап: бизнинг футбольчиларимиз яrim финалгача барча рақибларни ўз дарвозасидан битта хам тўтказиб юбормасдан енгишиди. Тўплар нисбати: 12:0. Яъни +12. Ажойиб кўрсаткич. Бугун бу натижага янада яхшиланди: 14:0. Койил!

Очигини айтганда, биз, футбольчиларимиздан фақат ғалаба кутган ва бунга ишонган бўлсақ, индонезияликлар ҳам, худди шундай кайфиятда ўйинни кутиди. Чунки уларда бунга асос бор эди. Гурух босқичида ўзидан кучли жамоалар Иорданияни 4:1, Австралияни 1:0 хисобида ютишининг ўзи бўлмайди. Чорак финалда эса Жанубий Корея билан дуранг (2:2) ўйнаб, пенальтилар сериясидаги мағлуб этиши хам шунчаки омад эмас!

Индонезияликлар таркибида Голландия, Бельгия, Япония, Жанубий Корея каби давлатлар жамоаларида тўп сураттаги маҳоратли футbolçilari бор экан. Бош мураббий Шин Тай Йонг хам футбол оламидаги машҳур мутахassisilardan бири. У мураббий сифатида Жанубий Корея терма жамоаси билан яхши натижаларни кўлга киритган, «Сеёнгнам» жамоаси билан эса Осиё чемпионат лигаси голий бўлган.

Демак, Индонезиянинг шу босқичида етиб келиши тасодиф эмас!

Биз Индонезияни 2:0 хисобида ютидик ва бунга ҳар жиҳатдан ҳақли эдик. Чунки Осиё кубогида биронта ҳам тўт ўтказиб юбормаган ягона жамоа бу - ўзбекистон! Умумига таркиб бўйича турнирдаги энг киммат жамоа ҳам (бунакаси бўлмаган) - ўзбекистон (15,85 миллион евро)! Албатта, бу кўрсаткичлар ёш футбольчиларимизнинг нақдада маҳоратли ва кучли эканини англатади.

Ғалаба муборак, баракалла, йигитлар!

Сизлар финалда ҳам ютишга ҳақли сизлар!

Рахмат сизга, юртини улуғлаган юрт ўйлонлари!

Алижон АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»



ТОКИОДАН МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Япония давлатининг Токио шаҳрида 2024 йил 13-23 апрель кунлари байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Осиё чемпионати бўлип ўтди.

Париж - Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун имтиёз берувчи ушбу беллашувларда ўзбекистон миллӣ терма жамоаси аъзолари муваффақиятли натижаларни кўлга киритиши.

Хусусан, ўзбекистон касаба ўшмалари Федерациясига карашли Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича спорчиларни катор медаллар сохиби бўлиши. Жумладан, яккали баҳсларда Денис Онуфиев ва Шахризода Мавлонова кумуш, Элёржон Мамадалиев бронза медалига сазовор бўлди. Жуфтлик баҳсларида эса Шахризода Мавлонова ва Озоджон Амриддинов олтин, Владлен Денисов ва Шахзода Эркиновалар кумуш медали сохиби бўлиши.

500 метрга сузиш баҳсида эса ҳаморраларимиз Артур Гулиев ва Владлен Денисовларнинг натижаси бронза медалига лойик деб топилди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»





ОЛМАЛИКДАГИ УЛКАН БУНЁДКОРЛИКЛАР

Оммавий ахборот воситалари ходимларини «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан таништириш максадида пресс-тур уюштирилди. Шу жараёнда маълум қилинича, хозир комбинатни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланган ва уни рӯбға чиқариш харакатлари бошлаб юборилган.

Айни кезларда янги ишшот курилишида 23 минг нафар курувчи ишламоқда ва 500 дан зиёд махсус техникалардан фойдаланылмоқда. Мутахассисларнинг айтишларча, концепция доирасида металлургия комплексининг энг асосий обьектлари - мис эртиши агрегаторлари, сульфат кислотаси ҳамда мис электролизи цехлари, шлакларни бойтиш фабрикаси, концентрат саклаш ва тайёрланган омбори ҳам янгиланиши режалаштирилган.

Айни кезларда янги ишшот курилишида 23 минг нафар курувчи ишламоқда ва 500 дан зиёд махсус техникалардан фойдаланылмоқда. Мутахассисларнинг айтишларча, концепция доирасида металлургия комплексининг энг асосий обьектлари - мис эртиши агрегаторлари, сульфат кислотаси ҳамда мис электролизи цехлари, шлакларни бойтиш фабрикаси, концентрат саклаш ва тайёрланган омбори ҳам янгиланиши режалаштирилган.

- Ушбу мажмуяни бунёд этиш энг замонавий янги технологиялар асосида амалга оширилади, - дейди комбинат-

унинг узунлиги 4 километрга, энг 3,5 километрга, чукурлиги 90 метрга етган.

З-мисни бойтиш фабрикаси худудида эса бунёдкорлик юмушлари авжиди.

Унинг ишлаб чиқариш цехларини зарур технологик ускуналар билан жиҳозлаш изчил давом эттирилмоқда.

- Ушбу мажмуяни бунёд этиш энг замонавий янги технологиялар асосида амалга оширилади,

ишилди - дейди комбинат-



нинг Металлургия мажмуаси обьектларини куриш дирекцияси бош мухандиси Жасур Эргашев. - Танланган дастгоҳ ва ускуналар экологик жиҳатдан бешарарлиги хамда тўлук автоматаштирилганда билан алоҳида ажralиб турди. Лойихалар амалга ошгач, ишлаб чиқариш худудидаги экологик ҳолат бутунгига нисбатан анча яхшиланади. Режага кўра, мажмуани куриш 2026 йилнинг 4-чорагидаги нийоясига етади. Шунинг баробарида бир ярим мингта янги иш ўрни яратилади.

Айни кезларда янги ишшот курилишида 23 минг нафар курувчи ишламоқда ва 500 дан зиёд махсус техникалардан фойдаланылмоқда. Мутахассисларнинг айтишларча, концепция доирасида металлургия комплексининг энг асосий обьектлари - мис эртиши агрегаторлари, сульфат кислотаси ҳамда мис электролизи цехлари, шлакларни бойтиш фабрикаси, концентрат саклаш ва тайёрлаш омбори ҳам янгиланиши режалаштирилган.

Табиийки, ишлаб чиқариш самардорлиги ошишида ишчи-хизматчиларнинг саломатлиги, меҳнат муҳофазаси

хамда уларнинг кўллаб-куватланиши мухим аҳамиятга эга. Олмалик КМК касаба уюшма кўмитасининг бош меҳнат техник инспектори Камолиддин Махатов ту баҳза бизга кўйидагиларни сўзлаб берди:

- Комбинат кошидаги барча корхоналарда касаба уюшма кўмитаси фаолияти юритади. Бугун тизимда жами 40 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бор ва уларга аъзо бўлганлар 46 минг нафардан ошиди. Иш жараёнда меҳнат хавфисизлиги коидаларига катъий риоя килиниши шартлигини хисобга олган ҳолда, ҳар бир шиши-ходим мажбурий сургута қилиниши, ўқитилиши ва махсус имтиҳонлар топширишига алоҳида ётибор қаратилмоқда. Қолаверса, ищчиларнинг вактида дам олиши, оила аъзолари ва фарзандларининг кўллаб-куватланишини таъминлаш ҳам асосий вазифаларимиздан бири. Шу боис комбинатимиз кошидаги санаторий-профилакторий, пансионат, дам олиш даргоҳлари доимо ишчи-ходимлар хизматиди. Уларнинг фарзандлари ҳам ҳар ийли Сурхондарёдаги «Парвоз», Жиззахдаги «Истиклол», Тошкент вилоятидаги «Тонг»,

«Гулзор» ва «Металлург» оромгоҳларда дам олириларди. Бундан ташқари, ходимларимиз Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруғидаги санаторийларда ҳам ҳордик чиқаришади. Комбинатимизда ишлаб, нафакат чиқкан 9 минг нафар пенсионерга эса, жамоа шартномасига асосан, ҳар йили меҳнатта ҳақ тўлашнинг энг кам мидорининг 5 бараварига тенг ёрдам пуллари ажратилади, турли байрамларда, бошқа мухим саналар ва тадбирларда озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилади. Хуласа, касаба уюшмалари томонидан бундай хайрли ишлар доимий равишда ва намуналийтлайди.

Пресс-тур давомида журналистлар «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ахли ишлаб чиқаришда эришаётган ютуқлар ва бунёдкорлик соҳасидаги амалга ошираётган ишлар мамлакат ривожига муносиб хисса бўлиб кўшилаётганига, ён-атрофдаги экологик мухит яхшиланishiга ва кўпчиликнинг доимий иш билан таъминланшига хизмат килаётганига ишонч хосил килишиб. Ўзларни қизиқтирган саволларга комбинат мутасадидлари ва мутахассисларидан батафсил жавоблар олишиди.

**Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»**


Пресс-тур



Долзарб мавзу



БЕБАҲО НЕЪМАТНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК!



- **Хўш айтинг-чи, сувда атом борми?**
- Сувда-ми?.. Сувда атом нима қиласди? Атом, бу - бом-ба-ку!

Ҳакикатан ҳам, таркиби водород ҳамда кислороддан иборат рангиз саҳидиз бу суюқлик қудратли кучга эга бебаҳо неъмат саналади. У ернинг геологияни тузилиши тарихи ва унда ҳаёт пайдо бўлишида, физик ва кимёвий мухит, иклим ва об-ҳаво шаклланишида мухим аҳамият касб этиди. Энг хайрлантанарлиси, бирорта ҳам тирик организм сувсиз яшай олмайди. Бундан ташқари, у қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг барча технологик жараёнларининг зарурлиги кисми хисобланади. Демак, кундулак хётимизни обиҳаётсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Менинг бобом мироб бўлган. Шунданди, сув улуғ неъмат еланлиги ҳакида кўп галирарди. Бир гал «Сувнинг кўзи кўр». Агар ўйларни очиб етакласанг, уни қирларга ҳам олиб бориш мумкин», деган эди. Мен бу гапнинг асл мавносини орадан ийллар ўтгач тушундим.

Тошкент вилоятига қарашли Зангигота туманининг Чирчик дарёси атрофида яшовчи Ҳонбод қишлоғи (у ҳозир Тошкент шаҳри таркибида) ахолиси асосан дехқончилик қилинадиган бошча ерлар машҳур Баротхўжа анхоридан оқиб келиб, кичик ариқларга бўлиниб кетадиган сув билан суғориларди. Болалик кезларим ариқларда шарқираб оқкан сувлар ҳамон ёдимда. Онам тандирга нон ёпарди. Биз эса янги узилган иссиқ кулчаларни талашиб-тортишиб, ариқ сувига оқизиб ейшига ошиқардик.

Яна эсимда қолгани - кексалар сувга чиқинчиларни ва ифлос нарсаларни ташлаш, ҳатто тупуриш ҳам катта гуноҳ саналишини бизнинг кулоғимизга қуишиян. Менинча, ўша пайтларда бу неъматнинг кадри анча баланд бўлган экан. Ҳозир-чи... Уни тежамкорлик билан ишлатиш, беҳуда истроф килмаслигни керак деган тушунчалар бизга яхши етиб келмаётгандек. Назаримда, орамизда бу ҳаддаги ўтгиларга ва оғоҳлантиришларга ҳамон шунчакни гап сифатида караётгандар кўпчиликни ташкил қиласди.

Ҳозир бозорларда, мактабларда, кўй бўйлариди, айрим хонадонларда ва бошча жойларда водопровод кувулларидан туну кун сув оқиб ётганини, одамлар бундай ноҳуш ҳолатларга ўта безътибор бўлиб кетганини кузатиш мумкин. Мен хизмат юзасидан Бухорода илк бор бўлганимда ичмимлис сув хонадонларга машиналарда етказиб берилшини, одамлар уларни факат ичиш учун сотиб олишларини куриб, хайрон бўлганман. Кейинчалик Самарқанд, Кашқа-

дарё ва Наманган вилоятларига борганимда улардаги кишлопларда ҳам обиҳаёт ниҳоятда танқислигини сезгандман. Адашмасам, бундай ҳолатлар бошқа вилоятларда ҳам мавжуд. Аммо Тошкентдек шаҳри азимда сув муммоси деярлий ўйк, Аксинча, у бехуда оқиб ётгани кўп кузатилади.

Мутахассислар фикрича, бугунги кунда сувга талаб ўтган асрнинг олтишинчи йилларидагига нисбатан иккиси хисса кўпиган. Сабаби, аҳоли сони кескин ортиб, кишлек хўжалиги ва саноат жадал ҳаджади манбаларда оширилди. Ҳукумада, 2030 йилда юртимиздаги сув танқислиги 15 миллиард куб метрга этиши таҳмин килинмоқда. Бу шунчак оидий ракамлар эмас, уларнинг ортида миллионлаб инсонлар ҳаётি ётибди.

Шу ўринда бир воқеани айтишини лозим топдим. Қадропон дўйстим катта машинасида хорижга юк ташиб, юк олиб келарди. Айтишича, саратон пайти Қозғистон чўллари орқали якни ташниши билан сизга сувга кимматга баҳоланган «ГАЗ-24» машинасини олиб келаёттиб, ўйда адашиб қолишибади. Егулик ҳам, ичишага сув ҳам топмай роса қайналганларида янги автомобилини бир култум сув ва бир тишламонга алмаштиришга ҳам рози бўлишиади. Яхшияники, учинчи куни ўша жойдан ўтэйтган бошқа бир ўйловчи уларнинг жонига оро киради. Иккисига сув ва нога бериди, кўзлаган манзилига етказиб кўяди.

Сув билан бўғлиқ бунақа воқеалар жуда кўп. Шундай эса-да, бил улардан тегиши сабок чиқарип олмалётганимиз, сувни асрар-авайлашга ва истроф қилмаслика оид бормаётганимиз, тарғибот ишларини изчил равишда оқиб борашиб ҳаджади зарур тушунчалар бермаётганимизни ниҳоятда ачинларни холдир.

Бир куни кичинча набираларимни мактабга олиб бордим. Кираверишдаги қувурдан оқиб ётгани сув ўйлакка тўпланиб, кўлмак ҳосил қилган экан. Жўмракни бураб, сувни оқишибдан тўхтатдим. Бу набираларимни ибрат бўлганини эртаси куни билдим. Улар мактаб ҳовлисига қадам кўйишлари билан куриб бориб, жўмракни беркитишибди.

Яна бир гап. Тунов куни телевидение орқали бериладиган рекламаларни диққат билан кузатдим. Лекин сувни ташашга бағишилганини деярли кўрмадим.

Тўғри, яхши махсулот рекламага мухтож эмас. Аммо шундай нарсалар борки, уларни тарғиб килиш инсонлар оғигига кучли таъсир кўрсатади. Масалан, бозордаги савдо расталарини оралаб юрган харидор ноз-неъматни

олишдан олдин ўша махсулот мақталган реклама ролигини кўз ўнгига келтириши мумкин. Бас, шундай экан, радио-телефидение, газета-журналлар ва ижтимоий тармокларда сувнинг фойдаси, инсоният, ҳайвонот ва набот оламида туттаги ўрни, турли соҳаларнинг ривожлантиришдаги аҳамияти, шунингдек, унинг беҳуда ва ортиқча истроф килинишининг хунук оқибатлари ҳақида эшиттириш ва кўрсатувлар, маколалар ва рекламалар берриб бориш мақсаддаги мувофиқдир. Дунё олимлари, шоирлари, ёзувчилари сув танқислиги кучайиб бораётгани тўғрисида асарлар яратмоқда. Бу яхши, албатта. Аммо амалий ишга ўтилмас экан, сувни ифлослантириш ва истроф қилиш давом этаверади.

Бир шоир шундай сатрлар битиди:

**Хўп, пахтамни бераман, сув беринг,
Хўп, шахтамни бераман, сув беринг,
Сув ичмасам, тез ўламан, сув беринг!**

Энди билсан, сув текинмас экан!

Бизда эса сув деярли текин. Уни дўйонлардан арzon пулга оқизиб олиш мумкин. Айни чоғда, ер ости сув захиралари камайиб бораётганин ҳам бор гап. Газ, электр энергияси ва бошқа махсулотларнинг нархи ошига, дунёга жар соилишга тайёрмиз. Ҳолбуки, уларсиз ҳаёт кечириш мумкин, сувнинг эса яшашнинг имкони ўйк, Биз, истаймизми-ўйким, бу одий ҳақиқатини тан олишимиз шарт!

Маколамиз бошида тележажвиядан кичик бир диалогни мисол сифатида келтиргандик. Келинг, мулоҳазаларимиз якунида ундаги яна бир савол-жавобни ёдга олайлик.

- Ҳўш, мулла Суннатулла, айтинг-чи, сув неча даражада парчаланади?

- Сув, домлајаён, любой даражада парчаланади.

Мисол учун, мана шу графикадаги сувни стаканга қуямиз ва сепиб юборамиз. Парча-парча бўлиб кетади...

Эндибор берриб томоша қилган бўлсангиз, ўша миниатюра домла стакандаги сувни сепиб юборишига йўл кўймайди. Кичинагина

